

Фарзандингиз Бухорийдек бўлишини хоҳлайсизми?



10:00 / 03.05.2021 2369

Бу киши Имом Бухорий раҳимахуллоҳнинг оталаридир!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

مُنْكَرٌ لِّأَعْيُنِنَا
وَنُوذِبُونَ لَهُ

«Эй иймон келтирганлар! Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг покларидан енглар ва Аллоҳга шукр қилинглар, агар Унгагина ибодат қиладиган бўлсаларингиз» (Бақара сураси, 172-оят)

Нўъмон ибн Башир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: **«Албатта, ҳалол очиқ-ойдиндир. Албатта, ҳаром очиқ-ойдиндир. Ва икковлари орасида шубҳали нарсалар бордир. У (шубҳали) нарсаларни одамларнинг кўплари билмаслар. Бас, ким шубҳалардан сақланса, дини ва обрўси учун покланган бўлади. Ким шубҳаларга тушса, ҳаромга тушади. Бу худди қўриқхона атрофида (ҳайвон) боққан чўпонга**

Ўхшайди. Ундан ўтлаб қўйиши турган гап.

Огоҳ бўлинглар! Албатта, ҳар бир подшоҳнинг ўз қўриқхонаси бордир.

Огоҳ бўлинглар! Албатта, Аллоҳнинг қўриқхонаси Унинг ҳаром қилганларидир.

Огоҳ бўлинглар! Албатта, жасадда бир парча гўшт бордир. Қачон у солиҳ бўлса, жасаднинг ҳаммаси солиҳ бўлур. Қачон у бузуқ бўлса, жасаднинг ҳаммаси бузуқ бўлур.

Огоҳ бўлинглар! Ўша қалбдир».

Бешовлари ривоят қилишган.

Бу ҳадисда ҳаромдан ва шубҳали нарсалардан сақланишга буюриляпти. Шубҳали нарсалардан сақланган киши дини ва обрўси учун покланган бўлиши, шубҳали нарсаларга тушса, ҳаромга тушиши баён этилмоқда.

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳнинг оталарининг исми Исмоил, куняси Абул Ҳасан бўлиб, у киши ҳам илмли, тақволи инсон бўлган.

Оталарининг шогирди Аҳмад ибн Ҳафс шундай дейди:

«Ўлим тўшагида ётган Абул Ҳасаннинг ҳузурига кирдим. У: «Мол-дунёим ичида бирор дирҳам шубҳалиси борлигини билмайман», деди. Ўшанда ўзимга ўзим арзимас кўриниб кетдим».

Тасаввур қияпмизми?! Ҳаром эмас, шубҳали бир дирҳам ҳам йўқ деяптилар! Қуръони Карим оятларига ва ҳадиси шарифларга амал қилиб яшаган инсонлардан дунёга келган фарзандлар қандай олим бўлиб етишишини билдик.

Ўғлим Бухорийдек бўлсин деб орзу қилганларнинг ўзи қандай бўлиши кераклигини билиб олдик! Энди амал қилсак, инша Аллоҳ, натижаси шунга яраша бўлади.

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади